

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**544** Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2183-1*

*(2012 йил 13 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 250-сон «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 6-сон, 34-модда) қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 11 декабрдаги 40/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2183, 2011 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

WWW.LEX.UZ

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 10 ноябрь,  
32/7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил  
10 ноябрдаги 32/7-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 12-банддаги «банкларнинг раҳбарлари» деган сўзлар «банклар» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 16-банднинг биринчи хатбошиси, 17-банд, 35-банднинг учинчи хатбошиси, 93-банднинг иккинчи хатбошиси, 98-банднинг бешинчи хатбошиси ва 100-банддаги «бўлими», «бўлимига» ва «бўлимларида» деган сўзлар тегишинча «боби» «бобига» «бобларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 26-банднинг иккинчи хатбошисидаги «камида 3 м<sup>2</sup>» деган сўзлар «камида 6 м<sup>2</sup>» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 27-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«27. Мазкур Низомнинг 6-бандида назарда тутилган операциялар компьютер воситасида амалга оширилади, компьютер ёки компьютер дастури носоз бўлган ҳолларда харид операцияларининг қўлда бажарилишига йўл қўйилади. Агар айирбошлаш шохобчалари томонидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш операцияси энг кам иш ҳақи 1000 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда харид операциялари фақат компьютер воситасида амалга оширилиши шарт. Айирбошлаш шохобчаларидаги компьютерларда ўрнатилган дастурлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши шарт.»

5. 28-банднинг иккинчи ва 64-банднинг учинчи хатбошилари ҳамда 72-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

6. 39-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«39. Қуйидагилар қатъий ҳисобда турувчи бланклар ҳисобланади:

09002-сон маълумотнома (мазкур Низомга 5-илова);

09004-сон қвитанция (мазкур Низомга 7-илова);

09005-сон қвитанция (мазкур Низомга 8-илова);

09006-сон рухсатнома (мазкур Низомга 9-илова);

09006-1-сон рухсатнома (мазкур Низомга 23-илова);

- 09007-сон маълумотнома (мазкур Низомга 10-илова);  
09007-1-сон маълумотнома (мазкур Низомга 24-илова);  
09012-сон квитанция (мазкур Низомга 22-илова);  
09015-сон квитанция (мазкур Низомга 17-илова).».

7. 50-банднинг иккинчи хатбошисидаги «банкнинг ҳисоб-операция ходими» деган сўзлар «банк бухгалтериясининг масъул ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 57-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Нақд чет эл валютаси, халқаро банк картасидаги чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги йўл чекларини нақд миллий валютага айирбошлаш амалиётлари 09003-сонли реестрга (мазкур Низомга 6-илова) расмийлаштирилади.».

9. 66-банднинг иккинчи хатбошисидаги «09016-сон рўйхатда» ва «09016-сон рўйхатга» деган сўзлар тегишинча «09016-сонли реестрда» ва «09016-сонли реестрга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10. X бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«X. Резидентларга нақд чет эл валютасини сотиш,  
шу жумладан халқаро банк картасига ўтказиб бериш ва  
йўл чекларини сотишга доир операцияларни бажариш ва  
расмийлаштириш».**

11. 71-банддаги «09017-сон реестрда (мазкур Низомга 19-илова)» деган сўзлар «09008-сонли реестрда (мазкур Низомга 11-илова)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 73-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айирбошлаш шохобчасида халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш орқали сотилган чет эл валютаси ваколатли банк томонидан эмиссияланган халқаро банк карталарига резидент жисмоний шахсларнинг аризаси асосида ўтказиб берилади.».

13. 74-банддаги «09008-сон дафтариди» ва 76-банднинг иккинчи хатбошисидаги «09008-сонли дафтарга» деган сўзлар тегишинча «09008-сонли реестрда» ва «09008-сонли реестрга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 77-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«77. Резидентлар томонидан мазкур Низомнинг 25-илласига мувофиқ шаклда берилган аризага асосан чет эл валютаси халқаро банк картасига ўтказиб бериш орқали сотилганда мазкур Низомнинг 24-илласига мувофиқ шаклда икки нусхада 09007-1-сонли маълумотнома тўлдирилади. 09007-1-сонли маълумотнома нусха кўчириш қоғози қўйилган ёки лазер принтердан фойдаланган ҳолда тўлдирилади. Ушбу маълумотнома нусхалари айирбошлаш шохобчаси кассири ва назоратчиси ҳамда мижоз томонидан имзоланади. Мазкур амалиёт бўйича мижозга айирбошлаш шохобчаси томонидан чет эл валютаси сотилганлигини тасдиқловчи маълумотноманинг бир нусхаси берилади.».

Маълумотноманинг иккинчи нусхаси 09008-сонли реестрга илова қилинади ҳамда ҳисобот тузишда асос ҳисобланади ва кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.»

15. 96-банднинг учинчи хатбошидаги «09017-сон рўйхатда» ва «09017-сон рўйхат» деган сўзлар тегишинча «мазкур Низомнинг 19-илова-сига мувофиқ шаклдаги 09017-сонли реестрга» ва «09017-сонли реестр» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16. 99-бандда:

биринчи хатбошидаги «09013-сон рўйхатда» ва «09013-сон рўйхат» деган сўзлар тегишинча «09013-сонли реестрга» ва «09013-сонли реестр» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «108-бандида кўрсатилган» деган сўзлар «109-бандида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 101-банддаги «алмаштириш, майдалаш ва конверсия операциялари» деган сўзлар «алмаштириш операцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 104-банддаги «09013-сон рўйхатда» деган сўзлар «09013-сонли реестрга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 107-банддаги «09019-сон «конверсия қилинган нақд чет эл валютасини рўйхатга олиш дафтари»да» деган сўзлар «09019-сонли «Конверсия қилинган (алмаштирилган) нақд чет эл валютасини ҳисобга олиш реестри»га» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 112-банднинг учинчи хатбошидаги «дафтарлар, рўйхатлар» деган сўзлар «маълумотномалар, қвитанциялар, реестрлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 113-банддаги «Рўйхатлар, дафтарлар» деган сўзлар «Реестрларга» деган сўз билан алмаштирилсин.

22. 115-банддаги «тўғрисида ҳисоботлар сотиб олинган чет эл валютаси рўйхатларини, сотилган чет эл валютаси ҳисобини юритиш дафтари» деган сўзлар «тўғрисидаги ҳисоботлар, реестрларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 123-банднинг иккинчи хатбошидаги «операцион ходимга» деган сўзлар «банк бухгалтериясининг масъул ходимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 124-банддаги «Ваколатли банкларнинг операцион ходимлари» деган сўзлар «Ваколатли банклар бухгалтериясининг масъул ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. 125-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«125. Айирбошлаш шохобчаси кассири халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш учун пластик карточкалар бўлимига мижознинг аризасини унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси билан биргаликда топширади.

Пластик карточкалар бўлими халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш учун мижоздан қабул қилинган аризани ўрганиш мудда-

ти ариза топширилган кундан бошлаб 5 банк кунидан кечиктирмаган холда кўриб чиқилиши лозим.

Барча кўрсатилган хужжатлар ва тузилган ордерлар бош бухгалтер ва тегишли бўлим бошлиғи томонидан текширилади ва кунлик хужжатларга жойлаштирилади.».

26. 127-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «рўйхатлар ва дафтарларга ёзиб қўяди» деган сўзлар «реестрларга қайд этади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маълумотнома, квитанция ва рухсатномаларни тузади ва имзолайди;»;

ўн биринчи хатбошининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Унинг бир нусхаси банкка юборилади ва иккинчи нусхаси айирбошлаш шохобчасининг кунлик хужжатларига тикиб қўйилади.».

27. 128-банднинг олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«реестрлар ва тегишли маълумотномаларни имзолайди;».

28. 130-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«миллий валютани қабул қилмасдан, нақд чет эл валютасини сотиш ва чет эл валютасини халқаро банк картасига ўтказиб бериш ҳамда харид операциясида чет эл валютасини қабул қилмасдан, миллий валютани бериш;»;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«халқаро банк картасига чет эл валютасини ўтказиб бериш амалиёти бўйича миқдорнинг аризасини асоссиз равишда ўз вақтида кўриб чиқмаслик.».

29. 133-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «реестрларни, журналларни, ҳисоботларни» деган сўзлар «реестр ва ҳисоботларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30. 136-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ҳамкорлик қилишлари шарт» деган сўзлар «ҳамкорликни амалга оширадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

31. 4, 6, 12 ва 21-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 — 4-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

32. Мазкур Низом ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5, 6 ва 7-иловаларига мувофиқ таҳрирдаги 23, 24 ва 25-иловалар билан тўлдирилсин.

33. 7-илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«\_\_\_\_\_ -sonli KVITANSIYA

**Naqd chet el valyutasini va yo'l cheklarini inkassoga  
qabul qilish bo'yicha».**

34. 11-илованинг номидаги «рўйхати» деган сўз «реестри» деган сўз билан алмаштирилсин.

48-49 (548-549)-сон

— 21 —

544-модда

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
1-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

09001-сонли

Банк муассасасининг штампи

Рухсат бераман

**Айирбошлаш шохобчасида операцияларни амалга ошириш  
учун бўнак олиш тўғрисида  
ТАЛАБНОМА**

(айирбошлаш шохобчаси ходимининг Ф.И.О.)

(айирбошлаш шохобчасининг номи)

айирбошлаш шохобчасида операцияларни амалга ошириш учун қуйидагиларни беришга рухсат этишингизни сўрайман:

I. 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига кўра чет эл валютасида ва сўмда қуйидаги миқдордаги бўнак:

а) сўмларда: \_\_\_\_\_  
(сумма рақам ва ёзув билан ёзилади)

б) нақд чет эл валютаси:

(валюта номи, суммаси рақам ва ёзув билан ёзилади)

в) халқаро банк картасига ўтказиладиган (нақдсиз кўринишда) чет эл валютаси:

(валюта номи, суммаси рақам ва ёзув билан ёзилади)

II. Қатъий ҳисобда турувчи бланклар:

\_\_\_\_\_ сонли: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сонли: \_\_\_\_\_

(айирбошлаш шохобчаси ходимининг имзоси).

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
 низомга киритилаётган ўзгартириш  
 ва қўшимчаларга  
 2-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
 тўғрисидаги низомга  
 6-ИЛОВА

09003-сонли реестр

Банк муассасасининг штамп

**Харид қилинган нақд чет эл валютаси, халқаро банк картаси ва йўл чекларини ҳисобга олиш  
 РЕЕСТРИ**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ф.И.О. (халқаро банк картаси орқали операциялар амалга оширилганда тўлдирилади)	Мижознинг паспорт маълумотлари (халқаро банк картаси орқали операциялар амалга оширилганда тўлдирилади)					Нақд чет эл валютаси ва халқаро банк картаси бўйича		Курс	Сумма (сўмда) мижозга берилди	Операция бажарилган вақти	09002-сонли маълумотнома- нинг рақами
	серияси	рақами	қачон ва ким томонидан берилган	турар жойи	номи	суммаси	суммаси				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_».  
 \_\_\_\_\_ (имзо)

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
 низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
 қўшимчаларга  
 3-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
 тўғрисидаги низомга  
 12-ИЛОВА

09013-сонли реестр

48-49 (548-549)-сон

— 23 —

544-модда

Банк муассасасининг штампи

**Чет эл валютасининг тўловга яроқсиз (шикастланган) пул белгиларини ўша чет эл валютасининг тўловга яроқли (шикастланмаган) пул белгиларига майдалаш (алмаштириш) бўйича операциялар РЕЕСТРИ**

Чет эл валютасининг номи	Майдалаш ёки алмаштириш учун чет эл валютасининг номинали, номери ва серияси	Алмаштириш тартибида қабул қилинган чет эл валютасининг номинали, номери ва серияси	Воситачилик ҳақининг суммаси	Расмийлаштирилган 09012-сонли квитанциянинг рақами	Расмийлаштирилган 09014-сонли маълумотноманинг рақами
1	2	3	4	5	6

Назоратчи :

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Кассир :

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ ». (имзо)

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
 низомга киритилаётган ўзгартириш  
 ва қўшимчаларга  
 4-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
 тўғрисидаги низомга  
 21-ИЛОВА

09019-сонли реестр

544-модда

Банк муассасасининг штамп

**Конверсия қилинган (алмаштирилган) нақд чет эл валютасини ҳисобга олиш реестри**  
 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ф.И.О.	Мижознинг паспорт маълумотлари				Қабул қилинган чет эл валютаси		Курс	Воситачилик ҳақи	Алмаштирилиб берилган валютаси		Операция бажарилган вақт
	серияси	рақами	қачон ва ким томонидан берилган	турар жойи	номи	суммаси			номи	суммаси	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

\_\_\_\_\_ (ИМЗО)

\_\_\_\_\_».  
 \_\_\_\_\_ (ИМЗО)

— 24 —

48-49 (548-549)-сон

48-49 (548-549)-сон

— 25 —

544-модда

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
5-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
тўғрисидаги низомга  
23-ИЛОВА

09006-1-sonli

### Bankning emblemasi

(vakolatli bankning shtampi)

\_\_\_\_\_ -sonli RUXSATNOMA  
20\_\_-yil «\_\_» \_\_\_\_\_

Xorijga jo'nab ketayotgan \_\_\_\_\_ ga  
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

ushbu hujjat bo'yicha xorijga chiqish ruxsati bo'lgan pasporti \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (seriyasi, nomeri)

\_\_\_\_\_ ko'rsatilganda  
(qachon va kim tomonidan berilgan)

\_\_\_\_\_ (summasi raqam va so'z bilan yozilsin)

\_\_\_\_\_ (chet el valutasining to'liq nomi)

miqdoridagi naqd chet el valutasini xorijga olib chiqishga ruxsat etiladi.  
Ushbu ruxsatnoma bojxonaga topshirilishi shart.

Vakolatli bank rahbari: \_\_\_\_\_  
(imzo)

M.O'.

**MAZKUR BLANKANI QALBAKILASHTIRISH  
QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI  
UNGA BIROR-BIR TUZATISH KIRITISH MAN ETILADI  
UNI BOSHQA SHAXSLARGA BERISH TAQIQLANADI  
UCH OY DAVOMIDA HAQIQIYDIR».**

544-модда

— 26 —

48-49 (548-549)-сон

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
6-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
тўғрисидаги низомга  
24-ИЛОВА

09007-1-sonli

Vakolatli bankning emblemasi

\_\_\_\_\_ (vakolatli bank nomi)

\_\_\_\_\_ (ayirboshlash shoxobchasi muhri)

**-sonli MA'LUMOTNOMA**

20\_\_ y. «\_\_» \_\_\_\_\_

Mijoz \_\_\_\_\_ dan  
(F.I.O.)

\_\_\_\_\_ qabul qilindi  
(milliy valutaning summasi raqam va so'z bilan yoziladi)

\_\_\_\_\_ xalqaro bank kartasiga o'tkazildi  
(chet el valutasining nomi, summasi raqam va so'z bilan yozilsin)

Ayirboshlash shoxobchasi  
xodimlarining imzosi, muhri \_\_\_\_\_

Mijoz imzosi \_\_\_\_\_

**MAZKUR BLANKANI QALBAKILASHTIRISH  
QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI  
UNGA BIROR-BIR TUZATISH KIRITISH MAN ETILADI  
UNI BOSHQA SHAXSLARGA BERISH TAQIQLANADI».**

48-49 (548-549)-сон

— 27 —

544-модда

Айирбошлаш шохобчаси тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчаларга  
7-ИЛОВА

«Айирбошлаш шохобчаси  
тўғрисидаги низомга  
25-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ бошқарувчиси  
(ваколатли банк номи)

\_\_\_\_\_ га  
(Ф.И.О.)

фуқаро \_\_\_\_\_ дан  
(Ф.И.О.)

### А Р И З А

Менга банкингизга қарашли валюта айирбошлаш шохобчаси орқали  
\_\_\_\_\_ миқдоридagi чет эл валютасини \_\_\_\_\_ халқаро  
(чет эл валютасининг суммаси ва номи)  
банк картасига ўтказиб беришингизни сўрайман.

\_\_\_\_\_».  
(сана) (имзо)